



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
24 ноябрь
ШАНБА
№ 94
(12.522)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЎРТА ЧИРЧИК ТУМАНИ

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Миллий банкнинг туман филиалида хусусий банклар тўғрисидаги қонун лойиҳасига бағишланган анжуман ташкил этилди.

Унда туман тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛиДеП партияси фаоллари, Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси ва Халқ банки, Пахта банк, Микрокредитбанк, Миллий банк, Агросуғурта АКЖ туман раҳбар ва ходимлари иштирок этишди. Лойиҳанинг 26, 19-моддаларига баъзи ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

– Банк ва миջозлар ўртасидаги муносабат, улар фаолиятига доир қўшимча чора-тадбирлар хусусида кенг тушунчага эга бўлди, – деди Халқ депутатлари туман Кенгаши «Ёшлар сисъати ва соғлом авлод» масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Каромат Расулова.

Умид ФАЗЛИЕВА.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

«БАХТ»НИНГ БАХТЛИ ОДИМИ

Паркент тумани Номдана қишлоғидаги «Бахт» фермер хўжалиги сутни қайта ишлашга ихтисослашган цех қуриб, ишга туширди.

Хориждан замонавий техникалар келтириш учун 233,4 миллион сўм инвестиция жалб қилинди. Қайта ишланадиган сут фермер хўжалигининг ўзидан чиқаяпти.

– Бундай натижаларга эришишимизда биз фермерлар учун яратилаётган имкониятлар туртки бўлди, – дейди «Бахт сут» цехи раҳбари Мавлонхўжа Хожиев. – Авваллари сутни турли корхоналарга сотаётганимизда айна шундай цехни очишни орзу қилардим. Мана, мақсадга эришиб, омадди одимини бошладик.

20 дан зиёд ходимдан иборат цех иш бошлаганига ҳали кўп бўлмади. Лекин, кунига бир тонна судтан тайёрланаётган маҳсулотларнинг бозори чаққон.

– Бу осон бўлмапти, – дейди цех ишчиси Нозимжон Иброҳимов. – Боиси, қатик, 3 турдаги қаймоқ, турли мева масасини берувчи йогуртлар ва парҳез творогларнинг ҳар бири ўзига хос услубда тайёрланади. Маҳсулот харидорғир бўлишини таъминлаш учун белгиланган тартиб ва қондаларга амал қилиш керак.

Бекзод ХИДОЯТОВ.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

«Митан» маҳалласида болажонлар учун мўъажзагина спорт майдончаси ташкил этилди.

– Юртимизда болалар ва ўсмирларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб етишишлари учун турли спорт мажмуалари қуриб битказилмоқда, – деди Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулбаҳор Эргашева.

Юлдахон МУҲИДДИНОВА.

ЧИРЧИҚДАН ХОРИЖГА

КАЛАВАЛАРГА ТАЛАБ КАТТА

Чирчиқдаги «GRAND TASH TEKS» қўшма корхонаси шу йил июнь ойидан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Ўзбекистон ва Англия ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхонада ип-калава тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир кунига уч тоннагача сифатли калава ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада ўрнатилган технологиялар Германия ва Швециядан келтирилган, имкониятлари жуда юқори.

– Корхона иш бошлагандан буён 500 тонна маҳсулот тайёрланди, – дейди ишлаб чиқариш бўйича корхона раҳбари Йўлдош Полванов. – Шундан 140 тоннасини қўшни мамлакатларга экспорт қилдик. Ҳозир корхонада 70 киши ишламоқда. Улар асосан маҳаллий ёшлар. Корхонага ишга қабул қилишда шахар бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган.

Келгусида бу ерда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

СУРАТДА: корхона ишчиси Замира Қўзиёва. Даврон АХМАД олган сурат.



ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР – СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Қишлоқ ва сув хўжалиги, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда «Ўрмон хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ижроси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхоналари қуриш, асарларчилик ва паррандачиликни ривожлантириш ҳамда худудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш дастурларининг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Доимий комиссия бир

қатор туманлар ва ўрмон хўжаликларига мутасаддиларининг ахборотларини тинглади, бу масалаларни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий ишларни мувофиқлаштириб олди.

Еркебой БОТИРОВ ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.



ИСЛОҲОТ

Мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракати қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир янги ижтимоий-сиёсий куч сифатида намоён бўлди.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ – ЯНГИ БОСҚИЧГА

Бугун вилоятимиздаги 6138 та фермер хўжалигининг 46,4 фоизи пахтачилик ва галлачилик, 28,9 фоизи мевачилик ва узумчилик, 8,9 фоизи чорвачилик, 15,8 фоизи сабзавотчилик ва бошқа йўналишларда фаолият юрймоқда. Уларда ерга эгаллик ҳисси ошиб, ўз ери, ўз мулкига оқилона муносабат қўйиб бораётир.

Вилоят ҳокими, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Рустам Холматов фермерлар кенгашининг таъсис конференциясидаги маърузасида шу ютуқларни алоҳида таъкидлади. Чунончи, фермер хўжаликларига бир тонна пахта учун илгариги жамоа хўжаликларидан нисбатан 1,5-2 баравар кам минерал ўғит, уруғлик, ёқилги-мойлаш ашёлари сарфлангани ҳолда ҳосилдорлик

тегишли бошқармаларининг раҳбарлари, туман ҳокимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ОАВ ходимлари иштирок этишди. Конференцияга кекса фермер – Чиноз туманидаги «Яллама» фермер хўжалиги раҳбари Усмонови Умаров раислик қилди.

Сўзга чиққанлар бугун фермерлар олдида турган вазифалар, уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, сервис хизматларини ташкил этиш орқали кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш иштиёқи кучайиб бораётганини таъкидлади.

Конференция вилоятда худудий Фермерлар кенгаши таъсис этишга қарор қилди. Вилоят Фермерлар кенгашининг устави тасдиқ-

200 ТА «COBALT» СОТУВДА

GM Uzbekistan компанияси маълумотига кўра, сотувга чиқарилган дастлабки 200 та «Chevrolet Cobalt» автомобиллари 4 кун ичида республика шаҳарларидаги автосалонлар ихтиёрига бўлди.

Янги автомобилга 2011 йил охирида ва 2012 йил бошида шартнома тузиб, пул тўлаган фуқаролар эга бўлиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 5 сентябрь кuni пойтахтда янги «Chevrolet Cobalt» автомобилнинг тақдими бўлиб ўтган эди. Янги «Cobalt» моделини ишлаб чиқариш ҳажми йилга 120 мингдан зиёд автомобилни ташкил этади, улардан камда 50 фоизини МДХ мамлакатларига экспорт қилиш режалаштирилган.

«Туркистон-пресс».

«Ўзбекистон металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятида йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 28,03 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТДИ

Жумладан, истеъмолчиларга 23,9 миллиард сўмлик сирланган идишлар етказиб берилди.

Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори кўрсаткич.

Ўз мухбиримиз.

БОШ ҚОМУСИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент вилояти Қиррай туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Республика Маънавият-тарбия маркази ҳамкорлигида Конституция қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим муассасалари ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, аънаво ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни истиклол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий

ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Юксак маънавият – энгилмас куч» асари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган глобаллашув жараёни ҳар бир минтақага, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказаяпти. Ин-

тернет, замонавий техника ва технологиялар, алоҳида воситаларнинг ривожланиши натижасида ахборот аламини тезлашиб, гоъвий таъсир ўтказиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда.

Тадбирда турли мафкуравий таҳдидлар, хуружлар, «Оммавий маданият» иллатларининг минтақаларга кириб келиши, ёйилиши ва таъсир этиши анчқ мисоллар орқали оқиб берилган маърузалар тингланди. Таҳдидларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

«НИҲОЛ – 2012»

ИЖОДИЙ ЮКСАЛИШ МАЙДОНИ



Вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида аънавий «Ниҳол – 2012» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда аввалги саралаш танловларида ғолиб чиққан истеъодли ўғил-қизлар иштирок этишди.

Иқтидорли ёшлар ўртасида раъзиий маънодаги «Ниҳол» танловига қизиқиш йил сайин кучайиб бораёпти. Зеро, тадбир ижодий кучкуват олиш, санъат буюнига дадил кириб келаётган янги истеъодларни кашф этиш учун қўлай ва самарали майдондир. Бошловчи мусиқачи, қўшиқчи ва раққосалар «Рақс», «Опера санъати», «Вокал» (классик ижро) ва «Мусиқа» номинациялари бўйича айнан шу майдонда ўзларини намоён этишлари мумкин.

Замонавий санъатга ёш истеъодлар керак. Негаки, санъат инсонларни бағрикенгликка чорловчи, олам гўзаллиги сари йўл очувчи сирли кундир.

(Давоми 2-бетда).

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бош Қомусимиз асосида қабул қилинган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда хусусий мулкни ҳимоя қилиш, мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари, бундай муносабатлар жараёнида юзага келган низоларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ ҳолатлар тартибга солинган. Айни ҳолда унда "Хусусий мулк ҳуқуқи шахсининг қонун ҳужжатларида мубоқаб қилишга қиритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Бундай мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайд.

устворлиги тамойилига амал қилинади. Яъни хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган эиддийлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади. Бу юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг нечоғли инсонпарварлик тамойилига мос эканлигини кўрсатади.

Бундай улғувор мақсадларни рўйбга чиқариш йўлида ҳужалик судлари шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 20 мингдан ортиқ ишни кўриб чиқиб, жавобгарлардан 184,5 миллиард сўм миқдорда маблағ улар фойдасига ундириб берилди.

Хусусий мулк ҳуқуқи мuddати ҳам қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун нормаларига мувофиқ, хусусий мулк ҳуқуқи мuddатсиздир ва мулкдор ўзининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши бўйича мuddат ўрнатилишига йўл қўйилмайд.

Соҳага оид ислохотларнинг мантйқий давоми сифатида ушбу Қонунда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида қўйиладиган хусусий мулк дахлсизлиги, хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган ҳам эътиборга молик. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш мақсадлари қатъий эканлигини далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, хусусий мулк дахлсизлиги, аввало, хусусий мулкка нисбатан ҳам давлат мулкига тааллуқли бўлган барча ҳуқуқий кафолатлар қўлланлиши ҳамда хусусий мулк манфаатларига ҳар қандай ноқонуний аралашш шуд ҳокимияти томонидан ҳимоя қилиниши Конституция ва у асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Бу эса юртимизда хусусий мулкчиликнинг жадал ривожланиши ва пироваорда демократик жамият барпо этишимизда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

А. ИБРОХИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди судьяси. Ш. БАКАЕВ, Олий ҳужалик суди катта маслаҳатчиси.

ТАДБИР

ИСЛОХОТЛАРДА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Оҳангарон туманидаги Нуробод энергетика ва иқтисодий касб-хунар коллежиди "Камолот" ЁИХ Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан Халқ демократик партияси ва Либерал демократик партияси туман кенгашлари ва маънавият-тарбиот бўлими ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини туман ёшларига етакши мақсадида уюштирилган тадбирда сўзга чиққанлар Юрбобимиз маърузаси давлат ва жамият ҳаёти истиқболда янги, янада юқори босқичга кўтарилишига илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди. Турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар мар-

казида инсон ва унинг бахтсодати, фаровонлиги, маънавий камолоти тургани, мустаҳкам ирода ва эътиқодига эга бўлган, Ватани, миллий маданият ва қадриятлари билан фахрланувчи шахсларига мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажигини барпо этишга муносиб ҳисса қўшишга қодир бўлишига эътибор қаратишди. Келажиги буюк давлат қураётган ҳар бир фуқаронинг билим ва тафаккури жамиятда янги иқтисодий муносабатларни қарор топтириш, маънавий ва моддий неъматлар яратишга қаратилмоғи лозимлиги хусусида фикр юритилди.

ЧОРРАҲАЛАРДА ВИДЕОФИКСАТОР

2013 йилнинг январидан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча чорраҳаларда йўл ҳаракати қондаси бузилишини қайд этувчи видеофиксаторлар ўрнатилди. 2013 йилнинг иккинчи ярмидан эса бутун республика бўйлаб барча вилоятларнинг марказий кўчаларида видеокамералар ўрнатиш режалаштирилган.

Тизим жуда оқдид ва тартиб билан ишлайди. Яъни, ҳайдовчи қондани бузганлиги ҳақдаги баҳарнома бўлинмага электрон почта орқали келади ва қондбузар жаримага тортилади. Жарима ўз вақтида тўланмаган тақдирда унга муайян фоиз қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ матбуот хизмати маълумотларига кўра, қондбузарларни моддий жавобгарликка тортиш йўли билан жазолан эф тасвириги усуллардан биридир. "Туркистон-пресс".

ТРЕНИНГ



ЭКОТИЗИМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВОСИТАЛАРИ

Марказий Осид бўйича минтақавий Экология маркази "Марказий Осидда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги иқтисодий воситалар" мавзусида тренинг ўтказди.

Тадбирда вазириликлар, корхона ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Норвегия Атроф-муҳит муҳофазаси вазириги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда мақсад Марказий Осидда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги иқтисодий воситаларни режалаштириш, лойиҳаларни баҳолаш жараёнида субсидия, сугурта ва имтиёزلардан фойдаланиш тажрибасининг амалий жиҳатларини очиб бериш ҳамда уларнинг Ўзбекистон экотизимини барқарор сақлаб қолишдаги ўрни ва имкониятлари ҳақида фикр алмашш, айниқса, экологик хизматлар учун рағбатлантириш услубини татбиқ этишдир.

Марказий Осид бўйича минтақавий Экология маркази келтирилган маълумотларни қўлдан чиқариб берилди. Музокараларда иштирок этган давлат ва нодавлат ташкилотлари, экологияга алоқадор муассасалар вакиллари атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги институтлардан унумли фойдаланиш тажрибасининг амалий жиҳатларини очиб бериш ва ушбу тушунчалар бўйича билимларни татбиқ этиш ҳамда уларнинг экотизимини барқарор сақлаб қолишдаги ўрни ва имкониятлари ҳақида фикр алмашш, экологик хизмат учун рағбатлантиришнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашди ва бу соҳанинг Ўзбекистонда ҳам ривожланиши имкони борлигига, унинг халқаро миқёсдаги ўрни борасида ҳам иш олиб борилса, яхши самара беришига ишонч билдириб, Угам-Чотқол Миллий табиат боғи бўйича тадбир тренингига ҳавола этилган лойиҳани қувватладилар ва кейинги тадбирлардан бирида унинг амалий натижалари тўғрисида Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакилининг ахборот бериши ҳақида марказга тақдир қилинди.

Тренинг иштирокчилари Норвегиянинг Атроф-муҳит муҳофазаси вазириги, Марказий Осид бўйича минтақавий Экология маркази ва унинг Ўзбекистондаги валолатхонаси сертифицикатлари топширилди. Мирқарим МИРСОВУРОВ, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бўлими бошлиғи.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Вилоятимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда давлат муассасалари билан бирга нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар орасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят минтақавий филиалининг алоҳида ўрни бор.

САЛОМАТЛИК САЛОҲИЯТГА ЭЛТАДИ

Бугунги кунда вилоятимизда жамғарманинг минтақавий филиали ва 13 та таянч маскани фаолият кўрсаттир. 2012 йилда биз "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Тиббий-ижтимоий патронаж тизими тўғрисида"ги қарорлар ижросига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Хусусан, жамғармаимиз оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш дастури доирасида туман шаҳарларида 36 минг хомиллардан аёлларни тиббий текширувдан ўтказиб, 3982 нафар республика скрининг марказига юборилди. Хомиланинг ривожланишида нуқсонни аниқланган 109 аёлни даволаш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза этиш доирасида болалар ҳамда фертил ёшдаги аёлларда темир моддаси ва йод танқислигининг олдини олиш мақсадида таркибиде йод моддаси бўлган препаратлар тарқатилди.

2012 йилнинг ўтган даврида жамғарма тасарруфидидаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси шаҳар ва туманлардаги 165 та маҳалла аҳолиси, 8 та умумтаълим мактаби, 15 та касб-хунар коллежи ва 10 дан ортиқ бошқа муассаса-ташкilotларда аҳоли ҳамда ишчи-хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказди. Аниқланган касалликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Урганилган 5727 оиланинг эҳтиёж-ҳандларига белул доридармон, санитария-гигиеник воситалар тарқатилди.

Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, "Туркистон-пресс".

ёлғиз қарияларни ҳимоя қилиш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш жамғарманинг устувор вазифаларидан бири. Вилоятнинг чекка ҳудудларидаги аҳолига бу йил 10 миллион 800 минг сўмликдан ортиқ дори-дармон, кийим-кечак ва озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, байрамларда хайрия тадбирлари уюштирилди.

Оҳангарон туманидаги "Саховат" қариялар уйи ҳамда иккита "Меҳрибонлик" уйига 2 миллион сўмликка яқин дори-дармон ва бошқа санитария-гигиена воситалари ҳамда кийим-кечаклар етказиб берилди.

Бу йўналишдаги аниқ чора-тадбирларсиз соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб бўлмайди. Хусусан, жамғарма соғломлаштириш дастури доирасида хорижий халқаро ташкilotлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу йил юрак туғма нуқсонли бўлган 25 бола Германиянинг "Фриденсдорф" Интернейшн" ташкilotидан келган мутахассислар кўригидан ўтказилди. Уларнинг 2 нафари Германиянинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволаш учун жўнатилди. Бундан ташқари, 68 бемор боланинг аҳоли хусусида Корейнинг Ин-Ха университетидан келган мутахассислардан маслаҳат олинди. Оёғида туғма нуқсонли бўлган 6 нафар ва юрак туғма нуқсонли 19 бола республикаимиздаги марказий шифоналарда жарроҳлик йўли билан даволанди.

Жамғармаимиз шифокор ва мутахассислари жойлардаги таянч масканлари орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ўқув-тарбиот ишларини қучайтирмоқдалар. Хусусан, Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Репродуктив саломатлик", "Гиёҳвандлик", "Алкоголизм", "Кашандалик", "ОИТС"

САМАРҚАНД ВА БУХОРО «TRAVEL & LIFE» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Япония Сайёҳлик бюроси муассислигида chop этиладиган "Travel & Life" ("Саёҳат ва ҳаёт") журналининг навбатдаги сониди "Дунёнинг ёрқин ранглари" сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Чиройли суратлар билан безатилган ушбу мақолада япон журналисти Хироми Сузукиннинг Самарқанд ва Бухоро заминиди қарор топган жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон бағрида жойлашган қадимий шаҳарларнинг бетакрор меъморчилик обидаларида кўпбал гўзал гум-базлар осмон рангининг ажиб монандлигини ўзидида мужассам этган. "Ўзбекистоннинг тарихий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган кўхна шаҳарларида ҳали-ҳамон сақланиб қолган кулолчилик, ипак ва қоғоздан бўюмлар тайёрлаш санъати ҳар йили бутун дунёдан минг-миңлаб сайёҳларни жалб қилади", деб ёзади муаллиф.

Ўз саёҳати таассуротларини қадим Самарқанддан бошлар экан, журналист уни дунёнинг энг азиям ва улғувор шаҳарларидан бири, бой ўтмиш ва ранг-баранг маданиятга эга замин сифатида таърифлайди. "Шарқ жавоҳири номини олган мазкур шаҳар, – деб ёзади у, – ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданият мероси рўйхатидан жой олган кўпбал мадраса, масжид ва миноралардан иборат меъморий мажмуа ҳақида завқ-шавақ билан хикоя қилади. Самарқанд улкан салтанатнинг пойтахти бўлган. Темир ушбу шаҳарни ўзи бунёд қилган қудратли салтанат пойтахти сифатида бутун дунёга машҳур қилди ва уни Шарқнинг энг ажойиб шаҳрига айлантирди".

Ўз саёҳати таассуротларини қадим Самарқанддан бошлар экан, журналист уни дунёнинг энг азиям ва улғувор шаҳарларидан бири, бой ўтмиш ва ранг-баранг маданиятга эга замин сифатида таърифлайди. "Шарқ жавоҳири номини олган мазкур шаҳар, – деб ёзади у, – ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданият мероси рўйхатидан жой олган кўпбал мадраса, масжид ва миноралардан иборат меъморий мажмуа ҳақида завқ-шавақ билан хикоя қилади. Самарқанд улкан салтанатнинг пойтахти бўлган. Темир ушбу шаҳарни ўзи бунёд қилган қудратли салтанат пойтахти сифатида бутун дунёга машҳур қилди ва уни Шарқнинг энг ажойиб шаҳрига айлантирди".

Япониялик журналистнинг фикр билдиришича, қадим Самарқанд меъморчилигининг гўзалликда бетакрор ва маҳобатли намуналари Амир Темирнинг маданият ва санъат тараққиётига алоҳида эътибор қаратганидан шохидлик беради. Унинг эътирофи эишича, Амир Темир бошқаруви даврида меъморчилик, илм-фан ва санъат жадал суръатларда ривожланганки, бу минтақадаги бошқа мамлакатларнинг маданий тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутган. "Ўзбек халқининг юксак интеллектуал ва бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга машҳур қилган кўпбал улғу мутафаккирлар айнан Самар-

қандда яшаб, ижод қилган", деб ёзади Хироми Сузуки. Самарқанд шаҳрида қарор топган ёдгорликлар ҳақида сўз юритар экан, япон журналисти уларнинг тарихи хусусида алоҳида тўхталади. "Бугунги кунда ҳам жаҳонга машҳур бўлган биноларни барпо этиш учун Амир Темир дунёнинг турли нуқталаридаги моҳир уста ва хунармандларни тўплади. Уларнинг ижодий меҳнати натижасида Регистон мажмуаси, Шохи Зинда, Биби-хоним масжиди ва бошқа қатор азиям обидалардан иборат маҳобатли шаҳар дунёга келди".

Муаллиф журналистнинг кўхна Бухоронинг тарихи билан таништирар экан, мазкур шаҳардаги тарихий ёдгорликлар, ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган кўпбал мадраса, масжид ва миноралардан иборат меъморий мажмуа ҳақида завқ-шавақ билан хикоя қилади. "Бухоро шаҳрига борар экансиз, Ўрта Осиёдаги кўхна тарихга эга бўлган Улугбек мадрасасини албатта бориб кўриш жоиздир, – дея таъкидлайди у. – Ушбу мадраса ичида Буюк Ипак йўли даврида шаҳар худуди орқали қатнаган қаровларнинг тасвири туширилган суратларга ҳам кўзингиз тушад".

Х. Сузуки қадим замонлардан буён кулолчилик Темирнинг маданият ва санъат тараққиётига алоҳида эътибор қаратганидан шохидлик беради. Унинг эътирофи эишича, Амир Темир бошқаруви даврида меъморчилик, илм-фан ва санъат жадал суръатларда ривожланганки, бу минтақадаги бошқа мамлакатларнинг маданий тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутган. "Ўзбек халқининг юксак интеллектуал ва бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга машҳур қилган кўпбал улғу мутафаккирлар айнан Самар-

"Жаҳон" АА. Токио.

МИНИ-СЕССИЯ

ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Тенгдош-тенгдошга" усули бўйича вилоят координатори, мураббийлар ва "ОИТС" га қарши курашиш маркази шифокорлари иштирокида шаҳар ва туманлардаги касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида мини-сессиялар ўтказмоқда.

ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Ушбу тадбирлар жараёнида ёшларга ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва жинсий йўл билан юқувчи касалликлар тарқалишига қарши курашиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан баркамол бўлиш ва зарарли оdatлардан воз кечиш бўйича тавсиялар берилмоқда. Никохланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг моҳияти, ёшлар ўртасида турли касалликлар келиб чиқиши, носоғлом оилалар кўпайиши, носоғлом фар-

ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

зандлар дунёга келиши сабаблари, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, йигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ОИВ/ОИТС қандай хасталик экани, унинг юқши йўллари, гиёҳвандликнинг хавфли асоратлари йигит-қизларга атрофлича тушунтирилмоқда. Мини-сессия давомида иштирокчилар билан интeрфoал машғулотлар ўтказилмоқда. Ўқувчиларни тўрт гуруҳга бўлиб, ҳар бирига турли мавзу берилиб, шу мавзуга асосан 5 дақиқали саҳна кўринишини тайёрлаб, намойиш этиш орқали улар сессия маълумотларини қай даражада ўзлаштирганларни аниқланмоқда.

ИЖОДИЙ ЮКСАЛИШ МАЙДОНИ


Танлов иштирокчилари бирин-кетин саҳнага кўтарилидилар. Залга сукунат чўкди. Муסיка садолари, опера ариялари, обдон чарчланган рақс ҳаракатлари томошабинларни гўё сеҳрлаб, лол қолдиради.

ИЖОДИЙ ЮКСАЛИШ МАЙДОНИ


Таниқли маданият ва санъат арбобларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати учун танловнинг республика босқичида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган энг истеъодлиларни танлаш осон бўлмади. Уларнинг номларини хали кўп эшитамиз. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева истеъодли ўғил-қизларни табриқлаб, келгуси ижодларида катта ютуқлар тилади. Ўз муҳбиримиз.



Ушбу тадбирлар жараёнида ёшларга ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва жинсий йўл билан юқувчи касалликлар тарқалишига қарши курашиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан баркамол бўлиш ва зарарли оdatлардан воз кечиш бўйича тавсиялар берилмоқда. Никохланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг моҳияти, ёшлар ўртасида турли касалликлар келиб чиқиши, носоғлом оилалар кўпайиши, носоғлом фар-



зандлар дунёга келиши сабаблари, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, йигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ОИВ/ОИТС қандай хасталик экани, унинг юқши йўллари, гиёҳвандликнинг хавфли асоратлари йигит-қизларга атрофлича тушунтирилмоқда. Мини-сессия давомида иштирокчилар билан интeрфoал машғулотлар ўтказилмоқда. Ўқувчиларни тўрт гуруҳга бўлиб, ҳар бирига турли мавзу берилиб, шу мавзуга асосан 5 дақиқали саҳна кўринишини тайёрлаб, намойиш этиш орқали улар сессия маълумотларини қай даражада ўзлаштирганларни аниқланмоқда.



Мини-сессиялар якунида ёшларга БМТ тараққиёт дастури доирасида тайёрланган "ОИВ инфекцияси тўғрисида биласизми?" мавзусидаги материаллар тарқатилмоқда. Ўз муҳбиримиз.




Танлов иштирокчилари бирин-кетин саҳнага кўтарилидилар. Залга сукунат чўкди. Муסיка садолари, опера ариялари, обдон чарчланган рақс ҳаракатлари томошабинларни гўё сеҳрлаб, лол қолдиради. (Давоми. Боши 1-бетда).



Уч ҳолатда ёнгин содир бўлади. Биринчиси – қисқа туташув. Бунда бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ фазаларнинг бир нуқтада туташуви оқибатида сим ва ток ўтказувчи қисмлар эриб кетиб, ёнгинга сабаб бўлади. Иккинчиси – ортиқча юкларнинг сўнг барида электр ускуналарини электр манбаидан узиб қўйишни унутмаслик лозим. Шуллар кабу арзимасдек туйилган ёнгин фавқисолди қондаларига риоқ қилмаслик қўйлаб одамлар майиб-мажруҳ бўлиши, ҳатто, ҳаётдан бевақт кўз юмишларига, халқимиз мисқолаб йиққан мол-мулк қандайдир соялар ичида куйиб, қулга айланишига сабаб бўлади. У. ЛУТФИЛЛАЕВ, 12-ХҲХО катта инспектори.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



Вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги хоаимлари Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 ноябрдаги ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисидаги қарори доирасида ёнгинга қарши чораларни режа асосида кенг кўламада амалга оширмоқдалар.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



Шаҳар ва туман ҳокимликларида мактаб, лицей, коллеж ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари, фермер ва тадбиркорлар билан ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоқ қилиш хусусида учрашувлар ўтказилмоқда. Ёнгинга қарши курашувчилар маҳалла ва мактабларда бўлишиб, фаоллар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашмоқдалар. Аҳоли ўртасида кенг кўламада олиб борилаётган бундай тушунтириш ва тарғибот ишлари яхши самара берапти. Одатда ёнгинлар ўз-ўзиндан эмас, балки қилларнингиди лоқайдлиги, эътиборсизлиги оқибатида содир

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



даврида ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетиши сабабли фуқароларда иситиши воситаларидан фойдаланиш эҳтиёжи кучаяди. Хусусий уй эгаларининг кўпчилиги ясама, носоз ёки хавфсизлик нуқтаи назаридан яроқсиз мосламалардан фойдаланишлари оқибатида ёнгинлар келиб чиқиши, одамлар саломатлигига зарар етказилади, мол-мулкларидан ажраб қолишади. Айниқса, муҳим давлат аҳамиятига эга ҳамда ёнгин кичиш ва портлаш хавфи кучли бўлган объектларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Ўз муҳбиримиз.

ТИЛСИЗ ЁВ ЛОҚАЙДЛАРНИ ЖАЗОЛАЙДИ

Тажрибадан маълумки, ёнгинларнинг 20-25 фоизи электр ускуналаридан, тўғрироғи, улардан фойдаланилаётганда ёнгинга қарши тартиб-қоидалар бузилиши сабабли келиб чиқади. Уч ҳолатда ёнгин содир бўлади. Биринчиси – қисқа туташув. Бунда бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ фазаларнинг бир нуқтада туташуви оқибатида сим ва ток ўтказувчи қисмлар эриб кетиб, ёнгинга сабаб бўлади. Иккинчиси – ортиқча юкларнинг сўнг барида электр ускуналарини электр манбаидан узиб қўйишни унутмаслик лозим. Шуллар кабу арзимасдек туйилган ёнгин фавқисолди қондаларига риоқ қилмаслик қўйлаб одамлар майиб-мажруҳ бўлиши, ҳатто, ҳаётдан бевақт кўз юмишларига, халқимиз мисқолаб йиққан мол-мулк қандайдир соялар ичида куйиб, қулга айланишига сабаб бўлади. У. ЛУТФИЛЛАЕВ, 12-ХҲХО катта инспектори.

ТИЛСИЗ ЁВ ЛОҚАЙДЛАРНИ ЖАЗОЛАЙДИ

Тажрибадан маълумки, ёнгинларнинг 20-25 фоизи электр ускуналаридан, тўғрироғи, улардан фойдаланилаётганда ёнгинга қар

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

«ПАХТАКОР» – ТЎҚҚИЗ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигаси баҳслари якунланди. Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ташкил этилган мусобақада ўн тўрт жамоа ғолиблик учун куч синашди.



Миллий чемпионатимизнинг 21 йиллик тарихида илк мартаба чемпиони ва совриндор жамоалар сўнги турда аниқланди. Бу миллионлар ўйини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жадал ривожланиб, профессионал футбол клубларининг моддий-техник базаси муштаҳамланиб, чарм тўп устларининг маҳорати ва тажрибаси муттасил ошиб бораётганидан яна бир далолатдир. Мусобақа жадвалида пешқадамлик қилган «Пахтакор» тўрт йиллик танаффусдан сўнг яна чемпионликини қўлга киритди. Сўнги турда «Бухоро»ни 4:1 ҳисобда мағлубиятга учратган пойтахтликлар бу номга тўққизинчи мартаба сазовор бўлди. Энди улар Осиё чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Ўтган йилги чемпион «Бунёдкор» 57 очко тўплаб, қумуш медал билан кифояланди. Миржалол Қосимов шоғирлари сўнги турда Муборакда «Машъал» жамоаси дарвозасига жаҳобсиз иккита тўп киритди. Мубораклик футболчилар эса қуйи лигага тушиб кетди.

Пойтахтнинг яна бир жамоаси – «Локомотив» ўз тарихида илк бор миллий чемпионат совриндори бўлди. «Шўртан» футболчилари билан куч синашган «темирўлчи»лар гузориликларни 4:1 ҳисобда енгиб, 49 очко билан кучли учликдан жой олди. Самарқанднинг «Динамо» жамоаси устидан 2:1 ҳисобда ғалаба қозongan «Насаф» ҳам шунача очко жамгаран бўлса-да, тўплар нисбатига кўра пойтахтликлардан ортда қолди. Фарғонада «Нефчи» жамоасининг «Олмалик»дан 4:2 ҳисобда устун келишига урта голи билан муносиб ҳисса қўшган моҳир ҳужумчи Анвар Бердиев 19 гол билан чемпионатнинг энг илгор тўпурари бўлди. Зарафшонда дуранг натижа қайд этилди: «Кизилкум» – «Навбахор» 1:1. Биринчи лигага тушиб кетган «Андижон» сўнги учрашувда «Металлург» футболчиларини 4:3 ҳисобда мағлуб этди. **Ҳозир ТОШЎЖАЕВ, УзА шарҳловчиси.**

ШАХМАТ
Пойтахтимизда шахмат бўйича ўтказилаётган ФИДЕ гран-присининг иккинчи босқич иштирокчиси, блиц-шахмат бўйича 2008 йилги жаҳон чемпионати ғолиби, Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасининг бир неча бор қатнашчиси, кубалик халқаро гроссмейстер **Леньер Домингес Перес** ўзбекистонлик 21 нафар ёш шахматчи билан тезкор сеанс учрашувларини ўтказди.

ЁШ ШАХМАТЧИМИЗ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

Бир вақтнинг ўзида ўтказилган сеансда иштирок этган ёш шахматчилар орасида яқинда Словениянинг Марибор шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионати қатнашчилари ҳам бор эди. Фойта қизиқарили кечган баҳсда Раҳмон Адель ҳамда Саидқабар Сайдалиев дуранг натижани қайд эттишган бўлса, яна бир умидли спортчимиз Беҳзод Қудратов дунёнинг етакчи гроссмейстерларидан бири ҳисобланган Леньер Домингес Пересни мағлуб этишга муваффақ бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу каби маҳорат дарслари, шубҳасиз, ёш шахматчиларимизнинг ҳаётида энг ёрқин дамлардан бири бўлиб қолади ва уларнинг тажриба оширишида муҳим аҳамият касб этади. **«Туркистон-пресс».**



СЕРҚИРРА ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида машҳур расом Анатолий Слугининг серқирра ижоди намуналари кўргазмаси очилди. Тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларида тасвирланган манзаралар, натюрморт расмлар, графика, театр сахнаси ва китоблар безаклари, плакат, кўплаб спектакллар ва кинофильмларга ишланган костюмлар ва декорацияларнинг эскизлари вернисажга қўйилган.

Экспозициядаги тарихий мавзу билан бирга ижтимоий ҳаётнинг турли қирралари акс этган асарлар кишини бағраб қолдирамайди. Шунингдек, расомнинг Тошкент вилояти ижтимоий ҳаётининг турли қирралари акс этган. Ангрэн ва Охангарон табиғатида бағишлаб меҳр билан яратилган қатор асарлари ҳам кўргазмадан ўрин олган. Бу бежиз эмас. Кўргазма муаллифи болалик йилларининг бир қисмини Ангрэнда ўтказган. У кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар қатнашчиси. Театр сахна асарларига ишланган чизмалари хозир Германия, Канада, Англия, Туркия ва Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги театрларнинг саҳна безаклари қаторидан ўрин олган. – Нозик ва нафис ранглар билан ишланган ҳамда қалам билан чизилган асарларда улкан маҳоратнинг гувоҳи бўламан, – дейди Тошкент архитектура-қури-

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

Хизмат сафарига кетаётганда. Вокзалдаги кутиш хонасининг бир чеккасида қочқинни қучоқлаганча ўтирган малла сочили аёл эйтиборимни тортиди. Олдидигна кийинган, ёшлигида ниҳоятда гўзал бўлганлиги шундоқки севилиб турарди. У агрофага олазарак тикилиб, йўловчилардан алланималарни сўраб-суриштирарди. Аёлга яқинроқ бориб, саломлашдим. Сўхбатдош топилганидан хурсанд бўлиб, у дилидагиларни тўкиб солди: – Ўғлим Сергей ёшлигида жуда ёқимтой, мўминмаъкул эди. Лекин ичкиликка берилди-ю, айниди. Бора-бора ҳар куни ичиб, мендан пул сўрайдиган одат чикарди. Ўзим пенсиясиз бўлсам, ортиқча пул қаерда. Шу даражага бордики, пул бермасам, урадиган одат чикарди. Бир куни кайф устида қўлида болта билан пайдо бўлди. «Агар пул топиб бермасанг, қўлингни чопаман» дейди. Йилгадлик-сиқтадим, қани энди инсофга келса. Шунда жажал устида қўлимга болта урди... Ўғлим қамалиб кетди. Менинг эса қўлим тўмтоқ бўлиб қолди. Ундан қаерга кетаётганини сўрадим. – Қаерга бўларди, қамоқхонага, ўғлимнинг олдида, – деди аёл ҳазин бир оҳангда. – Ахир, ундан бошқа ҳеч қимим бўлмас. Улбул нарса оловдидим. Иссиқ кийим, бироз егулик... Ҳайратдан қотиб қолдим. Ёлғизгина, кўзининг оқуқораси бўлган фарзанди унга шунчалик зулм ўтказса-ю, она эса... Унинг ҳолидан хабар олгани йиллаб қамоқхонага қатнаса... Бу нима, мўъжизаси? Ҳа, албатта. Бу барча

мўъжизаларнинг мўъжизаси, ҳаёт гултожи бўлган Она меҳри. Ёдимда, маҳалламизда Лутфинисо исмли аёл яшарди. Уч ўғиллари бўлиб, турмуш ўртоқлари вафот этиб кетганди. Бу оқила аёлга ўша вақтда не-не жойлардан совчилар чиққанини онам яқин-яқинларга айтиб юрардилар. Лекин у ўғилларини бегона эркакка муҳтож қилиб қўймади. Ўзи емай, уларга едирди, киймай – кийдирди. Машаққат билан бўлса-да, уч ўғлини оёққа тургазиб олди. Ҳозир бу аёл ўғиллари, келинлари, набира-ю абиралари қуршовида, фароғатда яшайтилар. Маҳаллада азиз инсон. Қачонки, шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърини ўқисам, кўз олдимда Лутфинисо аялар гав-

вақтларда Юнусобод томонларда транспорт қатнови яхши йўлга қўйилмаганди. Кундузи – иш, кечкурун – ўқиш. Уйга етиб келгунимча, соат ўн иккиларга яқинлашиб қоларди. Ҳар кун онам маҳалламиздан ўтадиган зовур устига қурилган мўъжизагина кўприкда мени бўлиб ётибдилар. Ўзлари шу аллоздлар-у: – Ёмгирда ивиб кетибсан, ўғлим, даров кийимингиз алмаштир, шамоллаб қолсан, – дейдилар. Шу кунгидеҳ касалхонага ётқиздим. Эртасига барвақт кўргани бордим. Шифокор билан гаплашдим...

кузатишлари кўз олдимдан кетмайди. Охириги дақиқаларда тепаларида бўлмаганим, сўнги сўзларини эшитмаганим қалбимда бир умрлик армон бўлиб қолган... Сўхбатдошимнинг ҳикоясини тингларканман, унга ачиндим. Тўғри-да, армон билан яшаш оғир. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бу ҳикоя барча учун ибрат бўлишга лойиқ. Албатта, ҳаммамиз қаердадир ишлаймиш ёки ўқиймиш. Айрим пайтда фарзандлик бурчимизни қай даражада ўтаётганимизни мулоҳаза қилиб ҳам кўрмаймиз. Ваҳоланки, бизнинг энг асосий вазифамиз оналаримизнинг бизга қўрсатган яхшиликларини вақтида қайтаришдир. Яқинда шифохонада бир воқеанинг устидан чиқдим. Ўттиз беш ёшлар чамаси бир аёл онасини қўрсатгани олиб келган экан. Шифокор беморни синчилаб текшириб, қаери безовта қилаётганини сўради. Она эндигина гап бошлаши билан қиз:

– Жудаям нозиксиз-да, ойи, қаричилик, олма билан ўрик бўларимдигиз бўёғига, – дея онасининг өзига урди. Унинг бу муомаласидан ҳатто шифокор аёл ҳам хижолат тортиб: – Синглим, Худо умр берса, сиз ҳам онанғизнинг тезига етасиз. Лекин хозирги галингиз бироз ўринсиз. Ахир, юз ёшга етса ҳам она – она-ку?! Қани энди менинг онам ҳаёт бўлганларда, – деди кўзига ёш олиб. Онасини олиб келган аёл боши эгилганда қолди. Дунёнинг ноёб мўъжизаси – оналаримиз олдида ҳеч биримизнинг бошимиз армон билан эгилмасин. **Неъмат РАФИҚОВ.**

БОЛАЛАР ФОРУМИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ўқув марказида «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамоатчилиги болалар жамоатчилиги бўлими ва ахл болалар форуми ташкил этилди. Таъбирда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча болаларнинг билим олиши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириши, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хўнара эгаллаши, саломадлигини мухташамлашгани таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. **«Туркистон-пресс».**

МЎЪЖИЗА

даланади. Ҳаётда бундай оналар қўлгилга, фақатгина уларни илғай билиш ва иложи борича қадрлаш лозимлигига имон келтирмаган. Хўш, уларни ким қадрлаши керак? Албатта, оналарнинг бу меҳрларини биринчи навбатда гард юқтирмай вояга етказган фарзандлари қайтарилари лозим. Лекин бахтга қарши орачора бўлса-да, айрим ёшларнинг ўз волидаи муҳтарамаларига бефарқликлари, боз устига, меҳрсизликлари ҳақида гап-сўзларни эшитиб қоламиз. – Ойлада ёлғиз ўғил бўлганман, – дея ҳикоя қилганди бир зиёли танишим. – Институтнинг кечки бўлимида ўқирдим. Ўша

кутиб олардилар. Ахир, шунча жойга етиб келган, уйга ўзим кириб боролмайманми? Ҳамон ёдимда. Ўқишни битириш арафасида отам вафот этдилар. Уч олам турмушга қичиб, ўй-жойли бўлиб кетишганди. Хизмат тақозоси билан тез-тез сафарга қичиб турардим. Охири сафарга кетаётганимда онажоним йўлакда мунгайбгина кузатиб қолганлари ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Кўп ўтмай уйландим. Болалик ҳам бўлдим. Бир кун ишдан келсам, турмуш ўртоғим: – Ойимларнинг мазалари йўқ, – деб қолди. Кирдим, алангаи-оташ

Шундай бўлдики, икки кундан сўнг шошилич топшириқ билан хизмат сафарига жўнаб кетдим. Қайтишим билан тўғри касалхонага киришим билан таши шифокорга рўпара келдим. Менга қараб мўлтаяди. Охири бўлишича, бир соатлар илгари оналарнинг жонлари узилган экан. Қарақт бўлиб қолдим. Бироз ўзимга келган, нега шу лънати сафарга жўнаб кетдим, деб ўзимни-ўзим қойий бошладим. Мана, орадан қирқ йилдан зиёв вақт ўтди... Ҳалигача онамнинг елкаларига рўмолларини ташлаб, ишга



Касалхона йўлаги. Рўпарадаги ашиқка «Жим! Операция бўлган!» деб ёзилган. Йўлакдаги қурсларда ўрта ёшлардаги аёл билан эркак ўтирибди. ОНА. (Кўлини дуога очди) Ё Парвардигор, ўғлиганими ўзинг пахонханда асра, илоҳ, дўхтирларнинг қўлини енгиб қил, ишонганим ёлғиз ўзингсан, ё бори Худоб... (Шу пайт ичкаридан гул-гул очилиб, ҳамшира чиқади) ХАМШИРА. Қорин бўшлиғи очилди, суюнчи беринг, холажон! (Она кўрқиб ўрнидан туриб кетади) ОНА. Вой, улмасам, энди нима қиламан, а? Болагинимни қорини ёриб ташлашибди? ОТА. Э, ўтир-е, воҳма! Қорини очмас, кўрчакни қандоқ олади? (Ота ҳамширанинг чўнтагига пул солади) ОНА. Аввало Худо, қолаверса, ўзларингга ишондик, қизим... ХАМШИРА. (Елғондан уялади) Вой, амаки, қўйинг, овора бўлманг. Майли, сизники табаррук. Хўп, бўлмаса, мен кирай, ҳали кўрчакни топшишим керак. (Киз кириб кетади) ОНА. Ўша кўрчак ўлгур топиламанкан, адаси? Бирим кўрчак кетаялканми... ОТА. Қўрма, топилади. Дўхтирлар астойдил излашса, топилади. Сабр қил. (Яна ўйноқлаб ҳамшира чиқади)

ХАМШИРА. Ўғлигининг омади бор экан. Кўрчакни топдик, холажон. Ўзим (муштини қўрсатиб) мана бундоқ бўлиб, йиринг-лаб кетган экан. Яхшиям дўхтирлар вақтида кўриб қолишди. Худо қўрсатмасин, ёрилиб кетганидами? Биласизми, нима бўларди? (Она йилғамсираб қизни қучоқлайди) ОНА. Вой, шўрим, энди нима қиламан, а? Ўзим ўргилга сиздан, бир иложини қилинг. Яхшиликларингизни унутмайман, жон қизим... Манг, мана бу сизга. (У арзон узугини чиқариб қизга узатади) ХАМШИРА. (Узукка маҳлиё бўлиб) Ҳаракат қиламиз, холажон... Мен нега чикўдим, а? Ҳа, мабодо озгина бинт топилаймиди? ОТА. Бор, бор. (Хотинига) Сўмкангни оч, онаси. ОНА. Ҳозир, болам, ҳозир (қўли қалтираб сумка қавлайди). Ҳа, мана, бинт, доқа, пахта. Манависи спирт экан. Ишқилиб, ёлғизим оёққа туриб кетсин-да... (Киз кириб кетади, она яна вой-войлайди) ОТА. Ўзингни бос, онаси. Вой-войлаганинг билан қўлингдан нима келарди? Оллога таваккал қил. ОНА. Юрагим ёмон бўлиб кетаяпти... Ёлғизимни ўзингга топшир-

дим, ё Олло... (Хамшира чиқади. У хафорок. Она чўчиб, ириб туради) ОНА. Ҳа, тинчликми, Болагинимнинг ахволи дурустими? ХАМШИРА. Хавотир олмаг, холажон. Ўғлининг тузук. Операция яхши ўтди. Кўрчакни олиб, қоринни тикиб қўйдик. Лекин... (У чайналади) ОТА. Ҳўш, ҳўш? ХАМШИРА. (Хижиллаб) Лекин битта арзимаган қайчи, деб бошлиқдан роса гап эшитдим. ОТА. Қайчи? ХАМШИРА. Ҳа, мана бундоқ, жим-жилоқдай келадиган қайчи. Биз уни зажим деймиш. Шу қайчи ўлғир йўқ-да! Изламаган ерим қолмади. Бошлиқ топасан, деб мингиллаяпти. ОТА. Ҳа, энди битта қайчи бўлса, топилар, қизим, хафа бўлма. Эртага битта эмас, бешта қайчи об-келиб бераман. ОНА. Тавба! Кап-катта темир қайчи гўрга йўқолган экан, а? (Хамшира ичкарига кириб кетади ва бироздан кейин қайтиб чиқади) ХАМШИРА. Суюнчи беринг, хола! Қайчи топилади. У йўқолмаган экан. Кейин билмас, у ўғлигининг қорнида қолиб кетибди. Ана энди қорини яна очишга тўғри келиб турибди-да... (Она хамширанинг сўнги сўзларини эшитмайди, шилқ этиб, ёнбошига ағдариллади) Саъдулла СИЁЕВ.

Узоқ умр сири

Франциялик олимлар мунгазам спиртли ичимлик ичадиган одамлар бу каби махсулотни жуда кам истеъмол қиладиган ва умур-умун имчаларига кишиларга нисбатан 14 йил аввал инсулът хасталигига чалиниши мумкин, демоқдалар. Франциядаги Лилль университетини ходимлари олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 60 ёшдан кичик бўлган «инчулът» инсулът хужурига учраганидан кейинги икки йил ичида ҳаётдан кўз юмиши мумкин экан. Шифокорларнинг сўзларига кўра, спиртли ичимликларни кўп миқдорда ичиш оқибатида ёшлик чоғида ҳам инсулътнинг оғир турига дучор бўлиш хавфи бор.

РАССОМ ХАНДАСИ



«Америка жаҳон фонди» жамоатчилик ташкилоти ҳамда «Чет эл сиёсати» журнали дунёдаги лаёқатсиз мамлакатларнинг VIII эксперт рейтингини (Failed states index 2012) эълон қилди. Тожикистон шу рўйхатда 46-ўринни эгаллаб, «барқарорлик даражаси ўртадан паст – қалтилик даражаси хавфли» гуруҳга кирди. Ушбу рейтинг хукуматнинг мамлакат ҳудуди яхлитлиги ҳамда демография, сиёсий ва иқтисодий вазиятини назорат қилишга қодир ёки қодир эмаслигини акс эттиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳондаги турли мамлакатларда ҳаёт даражасига баҳо берувчи инсон тараққиёти индексига мувофиқ Тожикистон Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг сўнги ўринни эгаллади. Бунинг устига, юқоридаги ҳужжатда келтирилишича, кейинги етти йил мобайнида республикадаги вазият баттарлашиб борапти. Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини ходими А. Ниёзийнинг фикрича, мамлакатдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари эгасига айланган, аммо, рентабелли ишлаб чиқаришни йўлга қўйламан мулкдорларда бошқарувда менежерлик кўникмаси ва тадбиркорлик салоҳияти етишмагани сабабли шундай ҳолат юз

ТАНАЗЗУЛГА МАҲКУМ ҲУКУМАТ



«Америка жаҳон фонди» жамоатчилик ташкилоти ҳамда «Чет эл сиёсати» журнали дунёдаги лаёқатсиз мамлакатларнинг VIII эксперт рейтингини (Failed states index 2012) эълон қилди. Тожикистон шу рўйхатда 46-ўринни эгаллаб, «барқарорлик даражаси ўртадан паст – қалтилик даражаси хавфли» гуруҳга кирди. Ушбу рейтинг хукуматнинг мамлакат ҳудуди яхлитлиги ҳамда демография, сиёсий ва иқтисодий вазиятини назорат қилишга қодир ёки қодир эмаслигини акс эттиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳондаги турли мамлакатларда ҳаёт даражасига баҳо берувчи инсон тараққиёти индексига мувофиқ Тожикистон Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг сўнги ўринни эгаллади. Бунинг устига, юқоридаги ҳужжатда келтирилишича, кейинги етти йил мобайнида республикадаги вазият баттарлашиб борапти. Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини ходими А. Ниёзийнинг фикрича, мамлакатдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари эгасига айланган, аммо, рентабелли ишлаб чиқаришни йўлга қўйламан мулкдорларда бошқарувда менежерлик кўникмаси ва тадбиркорлик салоҳияти етишмагани сабабли шундай ҳолат юз

Ҳукумат бошлиқлари, аввало, давлат раҳбари ва энг олий амалдорларнинг саъй-ҳаракатларидаги мантиқсизлик Тожикистон жамиятидаги бугунги кунда мавжуд бўлган барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларнинг асл сабабчиси. Ҳар ҳола, халқаро экспертлар шундай фикрлашар.

«Америка жаҳон фонди» жамоатчилик ташкилоти ҳамда «Чет эл сиёсати» журнали дунёдаги лаёқатсиз мамлакатларнинг VIII эксперт рейтингини (Failed states index 2012) эълон қилди. Тожикистон шу рўйхатда 46-ўринни эгаллаб, «барқарорлик даражаси ўртадан паст – қалтилик даражаси хавфли» гуруҳга кирди. Ушбу рейтинг хукуматнинг мамлакат ҳудуди яхлитлиги ҳамда демография, сиёсий ва иқтисодий вазиятини назорат қилишга қодир ёки қодир эмаслигини акс эттиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳондаги турли мамлакатларда ҳаёт даражасига баҳо берувчи инсон тараққиёти индексига мувофиқ Тожикистон Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг сўнги ўринни эгаллади. Бунинг устига, юқоридаги ҳужжатда келтирилишича, кейинги етти йил мобайнида республикадаги вазият баттарлашиб борапти. Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини ходими А. Ниёзийнинг фикрича, мамлакатдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари эгасига айланган, аммо, рентабелли ишлаб чиқаришни йўлга қўйламан мулкдорларда бошқарувда менежерлик кўникмаси ва тадбиркорлик салоҳияти етишмагани сабабли шундай ҳолат юз

TOHKENT HAQIQATI / Ташкентская правда / Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги / Бош муҳаррир: Убайдулла Абдушоҳидов / Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. / Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). / Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. / Гавбатчи муҳаррир: Сайёра РИХСИЕВА / Навбатчи: Юлдузхон МУҲИДИНОВА / Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ / Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1142. Адади 6847. Баҳоси келишилган нарҳда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр қўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.55. 12345